АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 30-AVGUST PAYSHANBA

101-102 (16259)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 август куни Тошкент вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2018 йил 9 январдаги "2018 – 2020 йилларда "Ўзметкомбинат" АЖни ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида комбинатда катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи шулардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида 60 миллион долларлик лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган ушбу цех ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда корхона ишчи-ходимлари, соҳа мутасаддилари, хорижлик инвесторлар иштирок этди.

Комбинат имкониятларидан унумли фойдаланиш, қўшимча ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, 2-3 йил ичида камида 15-20 минг иш ўрни яратиш керак. Бунинг замирида одамларни рози қилишдек эзгу мақсад мужассам, деди Президентимиз.

Жанубий Кореянинг "Posco Daewoo" компанияси билан ҳамкорликда қурилган янги цехда йилига 25 минг тонна ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Бу билан металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талаби тўлиқ қондирилиб, йилига 8 минг тонна ферроқотишмани экспорт қилиш, шу тариқа импортдан воз кечиб, 35 миллион долларни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади. 300 дан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланади.

Президентимиз қуйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Мазкур лойиҳа қиймати 452 миллион доллар бўлиб, унинг амалга оширилиши натижасида 400 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади. Лойиҳа 2020 йилда тўлиқ якунига етказилиб, йилига 1 миллион тонна 2-12 миллиметр қалинликдаги пўлат листлар ишлаб чиқарилади. Бу пўлат листлар импортини камайтириш имконини беради. Йилига 350 миллион доллар тежалади. Шунингдек, янги қурилаётган Тошкент металлургия заводининг асосий хомашёси бўлган иссиқ ҳолатда прокатланган листларга 500 минг тонналик йиллик эҳтиёж тўлиқ қопланади. Қуюв-прокат мажмуасини Италиянинг "Даниели" компанияси барпо этмоқда.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

— Кейинги йилларда комбинатда умуман ўсиш кузатилмаётган эди. Шу боис, ўтган йили уни ташқи бошқарувчига бириктирдик. Натижада ишлаб чиқариш 1,5 баробар ортди. Даромадлари кўпайган комбинат жорий йилда Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 75 миллиард сўм маблағ ажратди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018 – 2019 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқариш, Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиги, Бўка туманида пахта-текстиль кластерларини ташкил этиш, Қуйи Чирчиқ туманида канопчилик соҳасини қайта тиклаш ва ривожлантириш, Оҳангарон туманида замонавий гидропоник иссиқхона очиш каби қатор лойиҳалар режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 18 август куни Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари сурган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва аньаналарни асраб-авайлаш ва бойитиш борасидаги фаол ва самарали фаолияти, мамлакатларимиз орасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама стратегик шерикчиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар орденлар ва фахрий унвонлар билан мукофотлансин:*

**"ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қоҳир Расулзода** — Тожикистон Республикаси Бош вазири

**Сирожиддин Муҳриддин** — Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Низом Қосим** — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Ташпулат Гулмуродов** — Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиожарроҳлик кафедраси мудири

**"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Али Муҳаммадиев** — Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар мероси фондининг бўлим мудири

**Ифтихор Ширинджонович Джураев** — Тожикистон Республикаси Геодезия ва ер бошқаруви давлат қўмитасининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш давлат геодезия назорати инспекцияси бошқарма бошлиғи

**Рахим Марупов** — Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг С.Умаров номидаги физика ва техника институти бош ходими

**Ҳасан Бердиқулов** — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ" ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Адҳам Холиқов** — "С.Айний номидаги опера ва балет академик театри" давлат муассасаси бадиий раҳбари

**Давлат Холов** — Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг "Фалак" давлат ансамбли бадиий раҳбари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ"**

**Йўлдошев Беҳзод Содиқович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ"**

**Тоғаев Бахшикул Каримович** — Қумқўрғон туманидаги "Сурхон тонги" ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик жамоаси бахшиси, Сурхондарё вилояти

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ"**

**Абдурахманов Оразбай** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ"**

**Рузиева Анор Райимовна** — Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

**Хабибов Неъматулла Махарамович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Халкназарова Лизахан Утепбергеновна** — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ"**

**Абдурахимов Ахмад Мамаджанович** — Тошлоқ туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабининг аньанавий хонандалик синфи ўқитувчиси, Фарғона вилояти

(Давоми 3-саҳифада)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ёшларга юриспруденция асослари бўйича таълим бериш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:*

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ"**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** — Тошкент давлат юридик университетининг "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси профессори

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Мингбаев Убайдулла Курбанович** — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси

**"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Газбаева Диляра Юлдашевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Маслова Надежда Григорьевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси халқаро-ҳуқуқий бошқармаси прокурори

**II ДАРАЖАЛИ "ШОН-ШАРАФ" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Дадабоев Шерзод Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири

(Давоми 3-саҳифада)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш борасидаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдукаримов Диамат Тухтаевич** — Самарқанд ветеринария медицинаси институти кафедра профессори, Самарқанд вилояти

**Аскаров Ахмадали** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Бакаев Убайдулло Амонович** — Бухоро вилояти мусиқали драма театри режиссёри

**Гулямова Дилбар Мухамедхановна** — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Юсупов Машариф** — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

(Давоми 4-саҳифада)




## МАҚСАДИМДАН ҚАЙТМАДИМ

**Юртимизга байраму тантаналар жуда ярашади. Сабаби осудалик нашидасини суриб келаётган халқмиз. Бу — бахт!**

Минг шукрки, озод ва обод Ватанда, фаровонликда ҳаёт кечиряпмиз. Кечагина ота-онам келажагим ҳақида қайғуриб, танлаган йўлим анча машаққатли эканини уқтирганди. Шундай бўлса-да, мақсадимдан қайтмадим. Олға қадам босдим. Юртимизда санъат соҳаси янада равнақ топишига, истеъдод соҳибларига кенг имкониятлар тақдим этилишига ишондим. Шундай бўлди ҳам.

Мустақиллик шукуҳи ила орзуларим ушала бошлади. Болалигимдан ўзбек миллий рақс санъатига меҳр қўйганман. Туманимизда қандай маданий тадбир ёки танлов ўтказилса, ҳаммасига қатнашардим. Ичимга сиғмас шижоат, санъат сирларини ўрганишга бўлган иштиёқ мени Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига етаклади. У ерда таълим олувчилар учун яратилган шароитларни кўриб қувондим. Маҳалламиздаги томидан чакка ўтадиган, пастқамгина бино кўз олдимда гавдаланди. Мен устозлардан илк сабоқларни олган мактаб худди шундай аҳволда эди. Ҳозир эса, вазият тамоман бошқача. Давлатимизнинг чексиз эътиборидан қониб ўсаётган ёш авлодга, очиғи, ҳавасим келади.

Республикамизнинг ҳар битта ҳудудида бир нечтадан замонавий болалар мусиқа ва санъат мактаблари қад ростлаган. Қанийди, вақтни ортга қайтариб, шундай гўзал масканларда мен ҳам ўқисам, дейман.

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳаларини жадал ривожлантириш, жаҳондаги илғор тажрибалар асосида замонавий таълим муассасаларини барпо этиш ҳамда уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу эса, ўзбек миллий рақс санъати нуфузининг янада юксалишига хизмат қилишига ишонаман.

Қалбимизни қувончга тўлдирувчи жамики ўзгаришлар, янгилик ва янгиланишлар, шаксиз, истиқлол шарофатидир. Йигирма етти йил мобайнида менга ўхшаган минг-минглаб ёшлар ҳаётда ўз йўлини топди, орзуларига эришди. Ҳадемай, Мустақиллик кунини нишонлаймиз. Шу улуғ байрам барчамизга қутлуғ бўлсин!

**Сусанна УСЕИНОВА,**
**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби магистранти**

## ESLAYSIZMI?

**2016 йилнинг 22 июнь куни** денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликдаги Қамчиқ довонидан ўтувчи **Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилди.**

Ўта мураккаб лойиҳа "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ҳамкорлигида амалга оширилган.

Янги темир йўлнинг узунлиги 123,1 километр бўлиб, шундан 19,2 километри туннелдан иборат. **Қурилиш ишлари 32 ой давом этган.**

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
YOSHLAR OVOZI

# ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўтган бир йилда Бекободда салмоқли ишлар амалга оширилди. 90 мингдан зиёд одам истиқомат қиладиган шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қоплаш мақсадида бешта етти қаватли уй қуриб битказилмоқда. Яна бешта шундай турар-жой қурилиши бошланиш арафасида. Улар йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Уйлар атрофига болалар ўйин майдончалари, автомобиллар сақлаш жойлари, замонавий савдо шохобчалари қуриш ҳам режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан ушбу янги массивга "Мустақилликнинг 27 йиллиги" деб ном берилди.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, уларни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклади.

– Бир йил олдин Бекободга келиб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор режалар белгилаб олган эдик. Бугунги учрашувимизда ўша режаларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзламоқчиман, – деди давлатимиз раҳбари. – Бекободда шу пайтгача иссиқ сув йўқ эди, ичимлик суви сифати ёмонлигидан кейинги 10 йилда касалликлар кўпайган, ишсизлик ортганди. Бугун шаҳарга йирик инвестициялар жалб этиляпти, янги иш ўринлари яратиляпти. Йўлсозлик, электр энергияси ва газ таъминоти, томларни таъмирлашга эътибор қаратила бошланди. Тошкент ва Бекобод шаҳарлари оралиғида электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Биз бу ишлар кўламини янада кенгайтирамиз.

Бекободликлар бундай эътибор туфайли шаҳар янги қиёфа касб этгани, одамларнинг фикри, кайфияти ўзгарганини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, жорий йилда Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Нурафшон шаҳарларида 2604 хонадондан иборат 62 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Оҳангарон шаҳридаги Амир Темур кўчасини реконструкция қилиш, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан ўтувчи ҳамда Тошкент – Бекобод ва Тошкент – Сирдарё автомобиль йўллари бўйлаб намунавий уйлар қуриш, вилоятда ичимлик сув тизимини такомиллаштириш, кўмир, технологик чиқинди, минерал руда ва биомассани майдалаш, қуритиш ва сепарация қилиш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Бекобод туманидаги "Юсупов Ғофуржон файз" фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширадиган ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган деҳқончилик тизими жорий этилмоқда. Экинларни белгиланган меъёрлар асосида суғориш, озиқлантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали курашиш, уруғ ва ресурслар сарфини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғаллачилик ва пахтачиликнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўналишидаги селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш чоралари кўрилаётир.

Пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 78,6 гектарни ташкил этади. Жорий йилда хўжалик раҳбари Ғофуржон Юсупов 31,1 гектар майдонга ғалла экиб, гектаридан 71 центнердан ошириб ҳосил олди. Соф фойда – 80 миллион сўм. 47,5 гектар ерга ғўза экилган. Ундан ҳам 35 центнердан ошириб ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Фермер 13,5 тонна мош ва 7,5 тонна ловияни экспорт қилиш, ички бозор учун 60 тонна картошка ва 45 тонна сабзи етиштириш бўйича шартномалар тузган. Хўжаликда 35 ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизнинг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан. Истиқболли, серҳосил пахта навларини яратиш, ғўзани қўшқатор экиш фермер даромадини оширади. Фермер далага чиқдими, меҳнати самарасидан уй, машина олсин, фарзандларини ўқитсин, уйли-жойли қилсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бу бўйича хориж тажрибасини ўрганиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган йирик саноат корхоналари иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 286,7 миллион евролик мазкур корхонага хорижда ишлаб чиқарилган илғор ва замонавий ускуналар келтирилади. Корхонада автомобиль кузовлари ва маиший техника учун металл листлар, металл черепицалар, профнастил тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилгач, йилига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. 700 га яқин иш ўрни яратилади.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида ушбу корхона қурилиши лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Заводнинг металл конструкцияси қуриб битказилди.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди, заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутадиган ўрни ҳақида тўхталар экан, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

**ЎзА**

SPORT

# ЕТТИНЧИ ЎРИНГА КЎТАРИЛДИК

Ш.ЭРКИНОВ

**Жорий йилда Осиё ўйинлари дастурига илк бор ўзбек миллий кураши киритилди. Қувонарлиси, бу йўналишда биринчи медаллар ҳам вакилларимизга насиб этди. 66 килограмм вазн тоифасида финалда Маъруф Ғайбуллаев ҳамда Руслан Бўриев ўзаро куч синашди. Маъруфнинг қўли баланд келди.**





90 килограмм вазнда эса, полвонимиз Нурбек Тўраев ярим финалда эронлик Жафар Паҳлавонийжагарҳга кичик ҳисобда мағлуб бўлиб, бронза медали билан кифояланди. Шу вазн тоифасида яна бир ҳамюртимиз Муҳсин Ҳисомиддинов финалда эронлик рақибини таслим этиб, Осиё ўйинлари чемпионига айланди.

Шунингдек, Гулнор Сулаймонова финалда ҳиндистонлик Пински Балҳаранига бас келган бўлса, Дилдор Шерметова мўғулистонлик спортчини ерга қулатиб, жамоамиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди. Ойсулув Абдумажидова ва Мухлиса Абдумаликова бронза билан юртимизга қайтадиган бўлди. Яна бир полвонимиз Сарвар Шомуродов ҳисобида ҳам бронза медали бор.

Бадиий гимнастика бўйича яккалик баҳсларнинг финалида Сабина Ташкенбаева кумуш медални қўлга киритди. Дзюдода эса, Диёрбек Ўрозбоевга тенг келадигани топилмади.

Учҳатлаб сакраш беллашувида Руслан Қурбонов мазкур йўналишда мамлакатимиз спорти тарихидаги илк кумуш медални қўлга киритди.

Бундан ташқари, баландликка сакраш баҳсларида Светлана Радзивил 1,96 метр натижа кўрсатиб, Осиё ўйинлари рекордини янгилади ҳамда олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу йўналишда яна бир спортчимиз Надия Дусанова иккинчи маррани эгаллади.

Мусобақанинг ўн биринчи кунидан сўнг вакилларимиз 12 та олтин, 17 та кумуш, 16 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринда бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## А.Б.УСМАНОВНИ "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда йирик инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси, халқимизнинг миллий қадрияти ва бой тарихий ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистонда диний-маданий аҳамиятга эга бўлган объектларни барпо этиш борасидаги фаол иштироки, Ватанига ёшлар учун ўрнак бўладиган даражадаги самимий муҳаббати ҳамда республикамизда туризм салоҳиятини ва спорт соҳасини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги учун таниқли ҳамюртимиз, Россиянинг "USM Holding" акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Усманов Алишер Бурханович "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## В.Ю.АЛЕКПЕРОВНИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистоннинг нефть ва газ секторини ривожлантириш ва углеводород ресурларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хомашёни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича илғор, инновацион технологияларни соҳага жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, йирик стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси ҳамда республикамизга юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлиги учун "ЛУКОЙЛ" очиқ акциядорлик жамияти президенти Алекперов Вагит Юсуфович "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Н.В.КНАУФНИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, йирик ҳажмдаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларидаги фаол иштироки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун "КНАУФ" корхоналари гуруҳи иштирокчилари Кенгаши аъзоси Кнауф Николаус Вильгельм "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ВАН ИЛИННИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть ва газ тармоғини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун "CNPC" компанияси директорлар Кенгаши раиси, "PetroChina" компанияси раиси Ван Илин "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## КЭРОЛИН ЛЭММНИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг ҳар томонлама ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий соҳалардаги шерикчилик алоқаларини кенгайтириш, йирик инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш ишларида юқори касбий маҳоратини намоён этиб келаётганлиги, халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни давомли ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун ҳамда таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 22 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

**Иноятов Рахматулло** — Бухоро санъат коллежи аньанавий хонандалик бўлими ўқитувчиси

**Муминова Лола Рахимовна** — Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Орзиева Дилбар Адизовна** — Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори

**Рахимов Эштурди** — Меҳнат фахрийси, "Нуроний" жамғармасининг Нуробод тумани Кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти

## "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ"

**Ефремов Иван Владимирович** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

*Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

## "ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаева Насиба Меликовна** — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

**Аҳмедов Ёқуб** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Баймурадов Элмурод Дилмуродович** — Шаҳрисабз шаҳридаги "Бахтли болалик" намунали болалар мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Жўраев Шерали** — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

**Закиров Фаррух Каримович** — "Ялла" ансамбли бадиий раҳбари

**Отажонов Ортиқ** — Ўзбекистон халқ артисти

**Сагдиев Ёлгар Хабибович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Усмонова Юлдуз Ибрагимовна** — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

## "МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

**Алеушиева Жгагул Смаиловна** — Шуманай тумани 57-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси гинеколог шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмедова Захро Рахматовна** — Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти лабораторияси мудири

**Джалалов Боходир Фазлетдинович** — Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, рассом

**Жалилов Исмоил Тўлаганович** — Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри бадиий раҳбари

**Камалов Телман Толяганович** — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази қандли диабетнинг йирингли асоратлари бўлими мудири

**Камилова Халида Хафизовна** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқув ишлари бўйича проректори

**Курбанов Рахматжон Хударгaнович** — Урганч шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Хоразм вилояти

**Лутпуллаев Хайрулла** — Ўзбекистон халқ артисти

**Муминова Зулфия Мардановна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Рашидов Турсунбай** — Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти бош илмий ходими

**Сабиров Леонард** — Самарқанд давлат университетининг назарий физика ва квант электроникаси кафедраси профессори

**Тожибоев Махмуджон Гозиевич** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг аньанавий ижрочилик кафедраси профессори

**Халилова Мавлуда Болтаевна (Матлуба Дадабоева)** — Ўзбек миллий мақом санъати маркази катта илмий ходими

**Юлдашев Акмал Акрамович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали директори

## I ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Варисова Максуда Азизовна** — Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг 19-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

## II ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдужаппаров Сулайман Бахреддинович** — Жиззах вилояти онкология диспансери бош шифокори

**Бахронов Ўткир Шодиевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилояти филиали кардиология бўлими шифокори

**Бойдедаев Тохир Рахимжонович** — Наманган шаҳар 1-сонли шифохона бош шифокори

**Дадамухамедова Шахида Мубашировна** — Бухоро вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

**Джураев Миржалол** — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали директори

**Назаров Нутфулло** — Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси 68-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокор-терапевти, Бухоро вилояти

**Қосимова Феруза Абдувалиевна** — Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли "Наврўз" қишлоқ врачлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

**Қурбонов Шерали Шайматович** — Денов туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

## "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Асретдинов Хасанбой Юлдашевич** — Норин тумани маданият бўлими мудири – маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Наманган вилояти

**Ахмедов Мурод Эркинович** — Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

**Аҳмедова Зарина Аҳмедовна** — Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси "Наврўз" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Балтаниязов Сарсенбай Айтмуратович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси доценти

**Бердимуродов Амридин Эргашович** — Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори

**Варламова Наталья Геннадьевна** — Ўзбекистон оркестрлари бирлашмаси Миллий симфоник оркестри артисти

**Гафуров Саттаржон** — Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази раиси

**Джурабаева Чаросой Хосилжановна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри Ёшлар балети ("Тумор" рақс ансамбли) бадиий раҳбари

**Долимов Улуғбек** — Меҳнат фахрийси, адабиётшунос олим

**Иванов Сергей Викентьевич** — "Усто" уюшмаси аъзоси, уста кулол

**Каримбаева Нигора Абдурахмановна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, киноактёр

**Керимов Фикрат Азизович** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси профессори

**Курбонов Хасан Исматович** — Китоб туманидаги "Китоб гуллари" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Лиходзиевский Анатолий Степанович** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти кафедраси профессори

**Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич** — Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори

**Мусаева Фируза Юсуповна** — "Фарҳод" маданият саройи "Бахтли болалик" халқ рақс ансамбли балетмейстери, Навоий вилояти

**Мухитдинова Лариса Асамовна** — В.А.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори ўринбосари, фортепиано бўлими ўқитувчиси

**Назарова Зулфия Шералиевна** — Жиззах вилояти перинатал маркази реанимация ва анестезиология бўлими катта ҳамшираси

**Назарова Салима Каюмовна** — Қорақалпоғистон Республикаси эндокринология диспансери бош шифокори

**Разаков Наби** — Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги "Стар лайт" студияси режиссёри

**Саидов Фарход Джураевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Маданият ва маърифат маркази хонандаси

**Саитова Эркиной** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Токсанбаева Гулбахар Оразбаевна** — Мўйноқ туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тўраев Ҳалим** — Бухоро давлат университети тарих кафедраси профессори

**Турсунов Санжар Шокиржон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Турсунова Хуршидахон Атабаевна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси доценти

**Усманов Фарид** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Усманова Дилбар Саидмахмудовна** — Қибрай туманидаги "Farhod-madad shifo" хусусий клиникаси эндокринология бўлимининг олий тоифали шифокор-эндокринологи ва клиника менежери, Тошкент вилояти

**Чернишева Анастасия Игоревна** — Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси бўлим мудири

**Шералиева Татьяна Тургуновна** — Фарғона вилояти маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори

**Юсупов Джалил Джўрабаевич** — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти бош муҳандиси

*Мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

## "ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахманов Камил Фазилович** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг онкология кафедраси доценти

**Азларов Акмал Акрамович** — "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч-ўймакор уста

**Анназаров Жасвантбек Бахрамович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

**Бабаназаров Баходир Бабажанович** — Ўзбекистон Бадиий академияси Сирдарё вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори

**Бердимбетова Гулаим Есеновна** — Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори ўринбосари

**Болтаев Фарход Назарович** — Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри режиссёри

**Даминов Иргаш Иноятович** — Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

**Кан Виталий Сергеевич** — Тошкент ахборот технологиялари университети телерадиоэшиттириш тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси

**Каттаева Фотима Болтаевна** — Қарши шаҳридаги "Мурувват" ногирон болалар интернат уйи энагаси

**Мирзаева Зебо Боймановна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Мустафокулов Самариддин Истатпулотович** — Самарқанд шаҳар тарихи "Афросиёб" музейи директори

**Нурматов Хабибулла Исанбаевич** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўзбек халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси

**Разикова Фотима Бафоевна** — Бухоро вилоят болалар уйи бош тарбиячиси

**Рахматуллаев Ўктам Ғуломович** — Бўка туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

**Тулаева Ойим Тураевна** — Ўзбекистон оркестрлари бирлашмаси Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси артисти

**Фазлутов Замир Ямилевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Ходжаев Аблат** — Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими

**Шайбакова Лилия Вадимовна** — Ёшлар симфоник оркестри артисти

**Шодиев Музафар Юлдошович** — "Ўзбекфильм" акциядорлик жамияти кинорежиссёри

**Эшниёзов Жўрабек Жабборович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест синовларининг компьютер таҳлили ва ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

**Норгитов Шухрат Иркинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи

**Рустамов Шавкатилло Ассадилаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Хамдамов Абдували Ахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи

**Хусанов Салимжон Эркинжонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби бошлиғи

## "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Акбаров Равшан Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари

**Гасанов Михаил Юсупович** — Тошкент давлат юридик университетининг "Меҳнат ҳуқуқи" кафедраси доценти

**Гранкина Галина Николаевна** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази лаборатория бошлиғи

**Исоқов Ҳожи-Мурод Исроилович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори

## "МАРДЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Аллабердиев Шерали Иралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Назиров Давлат Журабаевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Саманов Мусурмон Жаббарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Узақов Ганчар Уммат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Халикчаев Зафаржон Тохиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

## "ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуалимов Шерзод Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отрядининг сафдор ходими

**Абиджонов Ботиржон Баходиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

**Жўраев Баҳром Абдисатторович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани бўлими бошлиғи

**Жўраев Рустамбек Қахрамон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби йўриқчиси

**Зайнутдинов Абдулазиз Боходир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Курбанов Сухроб Ульмасович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири

**Қурбонов Алишер Омонович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Мардонов Элёр Ирдонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Мирзаев Бунед Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базаси катта мутахассиси

**Муродов Хусинали Юнусович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Палваязов Асрорбек Жуманиязович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахмонов Шерзоджон Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Хайруллаев Улуғбек Қўлдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Эшмирзаев Элмурод Эштемирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

## "СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" МЕДАЛИ БИЛАН

**Губайдуллин Дамир Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Дарманов Муроджон Мухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги "Қамчиқ" Махсус қидирув-қутқарув бошқармаси кимё йўриқчиси

**Жуманиязов Халикбай Хасенбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штаби бошлиғининг ўринбосари

**Жўраев Эшмурод Каршиевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

**Ким Олег Владимирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мухамедов Фаррух Эрклиевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори

**Набиев Шерзод Шарафутдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Нарбаев Илхом Ташбекович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчи-ҳайдовчиси

**Носиров Шухрат Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Омонов Бектош Нуриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси техник-ҳайдовчиси

**Тен Виктор Робертович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Туйчиев Улугбек Равшанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўз хавфсизлик бошқармасининг профилактика ва тезкор бўлими бошлиғи

**Халимбетов Анвар Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Шерматов Бахтиёр Юзбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассислар ва хизмат ҳайвонларини тайёрлаш маркази бошлиғи

**Эшнаев Дилшод Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

## "ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Авясова Ирина Рафаиловна** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси ўқитувчиси

**Ахмадалиев Элёржон Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Булутов Олимжон Муминович** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Есемуратов Лепесбай Ажимуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Жамолов Хамза Мухаммадиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Инанбабаев Акмалхон Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази" давлат унитар корхонаси директори

**Исматов Сирожиддин Ниматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Касимов Даврон Вахиджонович** — Андижон вилоят иқтисодий суди судьяси

**Матчанов Балтабай Жуманиязович** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани давлат солиқ инспекцияси Юридик шахслар солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими давлат солиқ бош инспектори

**Нарзиллаев Бобир Косимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Нематиллаев Баходир Рахматиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси санитар-йўриқчиси

**Нематов Мурот Хикматович** — Бухоро вилояти Коғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Нуришев Саламат Кудайназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Раджапова Мухтарам Зиёдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчиси

**Салимжонов Нодирбек Рахимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Божхона тўловлари бўлими бошлиғи

**Сукачёва Елена Михайловна** — Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси Таҳлил ва прогнозлаш бўлими давлат солиқ катта инспектори

**Тошев Шамсиддин Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби ҳарбий хизматчиси

**Турдимуратов Алписбай Жангабаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хамидов Гафур Гарифович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Юсупова Рано Махамаджановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

**Якубова Мархамат Кушбаевна** — Тошкент шаҳар "POYTAXT" адвокатлар ҳайъати бошқарувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 август

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

### “ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

**Фен Виталий Васильевич** — Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Ходжаев Шабат** — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Эгамова Манзурахон Иминжановна** — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

### “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

**Аминова Наргиза Толибовна** — Марғилон шаҳридаги “Наримтекс” қўшма корхонаси директори, Фарғона вилояти

**Ашуров Мухсинджан Хурамович** — “Фонон” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

**Ваккасов Бахтияр Абдираимович** — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи директори, Тошкент вилояти

**Джулибеков Нурмат Каршибекович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси бош директорининг иқтисод бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

**Ибраймов Амангелди Аитбаевич** — “Ўзбурғинефтгаз” акциядорлик жамиятининг “Устюрт қидирув бурғилаш бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти бурғиловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

**Ким Константин** — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Рух заводи директори, Тошкент вилояти

**Махкамов Шарифжон Раджабович** — “Қўқон механика заводи” акциядорлик жамиятининг газ баллон цехи устаси, Фарғона вилояти

**Мирзалиева Камолат Куканбаевна** — Олмазор туманидаги “Акфа меддайн” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Намазов Шароф** — Жиззах вилояти “Сувоқова” давлат унитар корхонасининг сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи

**Нутфуллаев Амрилло Хайруллаевич** — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси “А-320” учувчилар отряди командири ўринбосари

**Орипов Шамсутдин** — Меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

**Раймов Рўзиқул Облоқулович** — “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

**Тухтаев Кабул Мухаммадиевич** — “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари — “Ўзнефтгазқазибчиқариш” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Ўроқов Ҳотам Мардонович** — Бухоро тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти

**Шермухамедова Жамила Ташпулатовна** — Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси

**Ядгаров Дамир Салихович** — Меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

### “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Илхом Зайирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**Акбаров Носир Юнусханович** — Наманган шаҳридаги “Наманган тўқимачи” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

**Артиков Абдирашид Заирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги минтақавий вакили

**Атабекова Галина Алимжановна** — Андижон туманидаги “Милана текстиль” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Андижон вилояти

**Ахмедов Сайфулло Норматович** — Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

**Ахмедов Шухрат Якубжанович** — Шайхонтоҳур туманидаги “Колор пак” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Баратова Сайёра Рахматовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Боқижонов Исломбек Исмоилович** — Ангор туманидаги “Био техно эко” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Борисова Светлана Анатольевна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Марказий геология-геофизика экспедицияси” давлат корхонасининг геологик маълумотларни таҳлил қилиш партияси бош геофизиги

**Дадаходжаев Фаррух Саидахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Данияров Муратбай Куанишбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

**Джумаев Намаз Бегиевич** — Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Жарқўрғон тумани бўйича вакили

**Джураев Бахтиёр Эркинович** — “Бухоро бриллиант силк” қўшма корхонаси бош директори, Бухоро вилояти

**Жуманиязов Маткарим** — “Нуроний” жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси

**Иргашев Исматулла Раимович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили

**Кастамирова Эмма Казимовна** — Жомбой туманидаги “Амин инвест интернейшнл” қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

**Каюмов Яркин** — “Нуроний” жамғармасининг Қўқон шаҳар бўлинмаси раиси, Фарғона вилояти

**Махсимов Хужакул** — “Нуроний” жамғармасининг Нишон тумани бўлинмаси раиси, Қашқадарё вилояти

**Мирзаахмедов Акбарали** — Республика Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё тумани бўлинмаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Муллажонов Тохир Охунович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири

**Назиров Ганишер Носирович** — Риштон туманидаги “Риштон – Япония” маданий-иқтисодий алоқалар маркази раҳбари, Фарғона вилояти

**Нематов Илхамджан** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Алоҳида топшириқлар бўйича элчиси

**Оруджов Узеир Салег-Огли** — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бош муҳандисининг кончилик ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Отамуратов Сарвар Садуллаевич** — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

**Примқулов Шербўта** — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ховос тумани Кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Ражабов Давлатназар** — Урганч туманидаги “Улли ҳовли” туристик маркази раҳбари, Хоразм вилояти

**Рашидов Насриддин Муродович** — Бухоро шаҳридаги “Аҳолитранс” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Саидов Бахтиёр Одилович** — Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Снитка Николай Павлович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси бош муҳандиси, Навоий вилояти

**Сотиболдиев Улуғбек Норхожаевич** — Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” масъулияти чекланган жамияти бош директори,Сирдарё вилояти

**Суванов Азиз Аслонович** — Кармана туманидаги “Кармана голден эгз” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Тажиев Бахадир Садуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари

**Тиллаева Замирахон Хабибуллаевна** — Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги жамоатчилик асосидаги “Қайноналар кенгаши” директори

**Тумишова Аксавли Молдагалиевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Турдимратов Гафуржон Султанович** — “Сирдарё иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг 1-қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Усманова Саодат Акпаралиевна** — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси агрономи, Наманган вилояти

**Хакимов Акобир Азимович** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси раисининг ўринбосари

**Ходжаева Мавлудахон Исламовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

**Холмахматов Абдухалим** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

**Худойбердиев Сувонкул Райимбердиевич** — “Нуроний” жамғармасининг Янгиобод тумани бўлинмаси раиси, Жиззах вилояти

**Чориев Абдураим Равшанович** — Сурхондарё вилояти “Ал-Ҳаким ат-Термизий” ёдгорлик мажмуаси директори

**Юсупов Алижон Нигмонбекович** — Чилонзор туманидаги “Полимер пластик” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

### “ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Азизов Нишонбой Абдукаримович** — Чортоқ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

**Акбарова Фотима Умархоновна** — Термиз шаҳридаги “Гулбаҳор нурли келажак” масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ахмадалиева Нодирахон Набижоновна** — Ёзёвон туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Фарғона вилояти

**Бойматова Гавҳар Шермаматовна** — Қарши шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

**Койлибаева Сарбиназ Кошкарбаевна** — Нукус шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Салоҳиддин Мустафаевич** — Хатирчи туманидаги ҳунарманд-темирчи уста, Навоий вилояти

**Пардаева Шарафат Базарбаевна** — Бекобод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Тошкент вилояти

**Саидқулов Толиб Исоқович** — “Ортопедия реабилитацияси” масъулияти чекланган жамиятининг Жиззах вилояти ҳудудий филиали техник протезчиси

**Сапарова Диллора Алимовна** — Янгибозор туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

**Тожибоева Мастурахон Журамирза қизи** — Пахтаобод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

**Умаров Улуғбек Кузихайдарович** — Мирзаобод туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Сирдарё вилояти

**Худоярова Зилола Исматовна** — Нуробод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

**Ҳусенов Фазлитдин Равшанович** — Вобкент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Бухоро вилояти

**Шодиева Гузал Уктамовна** — Тошкент шаҳар кар-соқовлар маданият маркази директори

### “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуалиев Нодир Уткир ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Янгиер шаҳар 6-умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

**Базаров Фарид Уралович** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ғузор тумани Кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти

**Жалолов Зафаржон Сайфитдинович** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сариосиё тумани кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

**Ибрагимов Шоҳруҳ Олимович** — Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Жиззах вилояти

**Исмаилов Адҳамбек Бахрамович** — Урганч давлат университети талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Хоразм вилояти

**Қонарбаев Давид Халбаевич** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Омонбоев Фазлиддин Лутфиддин ўғли** — Избоскан туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Андижон вилояти

**Рустамов Бобир Исматович** — Бухоро муҳандислик-технология институтининг “Таҳририй нашриёт” бўлими техник муҳаррири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Бухоро вилояти

**Рустамов Сардор Муйдинхон ўғли** — Наманган давлат университетининг педагогика-психология кафедраси таянч докторанти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Наманган вилояти

**Собирхонов Акбархон Азиз ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Тошкент шаҳри

**Солиев Жавоҳир Тоиржон ўғли** — Қува тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Фарғона вилояти

**Суярова Зилола Сирлибоевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Самарқанд вилояти

**Тайбагаров Еркебулан Акбергенули** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Томди тумани кенгаши раиси, Навоий вилояти

**Ташматов Равшан Кобилович** — Тошкент давлат техника университети магистранти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси (Тошкент вилояти)

### “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН (100 ЁШДАН ОШГАНЛАР)

**Абдуллаева Зарифа** — Қумқўрғон тумани, Сурхондарё вилояти

**Арашова Сапар** — Олот тумани, Бухоро вилояти

**Атажанова Санам** — Боғот тумани, Хоразм вилояти

**Бекбутаев Атабала** — Асака тумани, Андижон вилояти

**Ғаниева Мўмина** — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти

**Дармонова Бухалча** — Янгиқўрғон тумани, Наманган вилояти

**Касимова Мархамат** — Гулистон шаҳри, Сирдарё вилояти

**Мустафокулов Муртоза** — Қарши тумани, Қашқадарё вилояти

**Муҳаммадиев Абув** — Иштихон тумани, Самарқанд вилояти

**Позилова Шахринса** — Учкўприк тумани, Фарғона вилояти

**Розумова Аваз** — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хакимова Гулман** — Зарбдор тумани, Жиззах вилояти

**Халилова Махбуба** — Яккасарой тумани, Тошкент шаҳри

**Эргашова Шакарбуви** — Тошкент тумани, Тошкент вилояти

### “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Кудрат Косимжанович** — Наманган шаҳридаги “Наманган истиқлол боғи” масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Наманган вилояти

**Ахмедов Баходир Атамуратович** — “Урганч Бахмал” масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

**Бахриева Маряна Амриевна** — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Навоий вилояти ташкилоти раиси

**Бегимкулов Сайдимкул Шоймкулович** — Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси акциядорлик жамиятининг Сирдарё филиали директори

**Бурханов Акмал Эшондедаевич** — “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори

**Дадажонов Мухаммаджон Мўйдинович** — Андижон шаҳридаги “Сабо ҳамкор” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Дарханов Меҳрожидин Қобилович** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси

**Даулетмуратов Турсинбай Сапарниязович** — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Чимбой тумани бўйича инспектори

**Жалилов Абдушукур Юлдашевич** — “Муборак газни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти цех технологик қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

**Жафаров Мурод Мирзахидович** — Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлар жамияти раиси

**Жўраев Исраилжон Икрамович** — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши раиси

**Жураев Шерзод Мусахонович** — Юқори Чирчиқ туманидаги “Мед стандарт гласс” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Искандаров Тургун Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Камалов Кахрамон Юсуфханович** — Жиззах шаҳридаги “Жиззах текстиль” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Каримов Рахматилла Хамидиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

**Курбонов Шахзод Миртемирович** — “ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани” масъулияти чекланган жамиятининг Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишлаб чиқариш- диспетчерлик хизмати муҳандиси, Бухоро вилояти

**Маджидов Улугбек Валиевич** — Ўзбекистон Ракка қарши кураш жамияти президенти

**Мамаджанова Дилбархон Рахматовна** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раиси

**Мардонов Фазлиддин Хабибович** — Самарқанд туманидаги “Агромир консерва” қўшма корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Махматмуминов Сайфулла Набиевич** — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

**Мейлиева Саломат Куйлиевна** — Термиз шаҳридаги “Термиз Бўстон Лола” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сурхондарё вилояти

**Мухамадова Насиба Абдужаминовна** — Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштириш ишчиси, Тошкент шаҳри

**Мухамедалиев Анвар Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Метрология, ичимлик сув ишлаб чиқариш ва ичимлик сув истеъмолини ҳисобга олиш бўлими бошлиғи

**Назаров Шухрат Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Наркулов Олимжон Кулдошевич** — Зарбдор тумани электр таъминоти корхонаси электромонтёри, Жиззах вилояти

**Нормуродов Анзур Авлоярович** — Қарши шаҳридаги “Дармон фарм” хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Рахмонов Джаббар Саттарович** — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Китоб тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Романов Тажибай Ниетуллаевич** — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

**Рузиев Алишер Абдимуминович** — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари

**Сабуров Бахтиёр Ахматжонович** — Бектемир туманидаги “Бектемир металл конструкциялари” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Соатов Асадулло Уктамович** — Жиззах шаҳридаги “Жиззах пластмасса” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори, Жиззах вилояти

**Тамиқаев Абдиҳамид Улашбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонининг раҳбари

**Татинцян Каринэ Валерьевна** — Самарқанд вилояти “Умид – Д” диабетга ва ногиронликнинг бошқа шаклларига йўлиққан инсонларга ёрдам кўрсатиш хайрия маркази раиси

**Тўйчиев Тохиржон** — “Нуроний” жамғармасининг Андижон шаҳар бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

**Туракулов Фахриддин Шавкатович** — “JV MAN Auto-Uzbekistan” масъулияти чекланган жамиятининг кабина ишлаб чиқариш цехи менежери, Самарқанд вилояти

**Турсунбаева Саодат Гафуровна** — “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди бошқаруви раиси

**Тўхтабаев Абдурашид Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Усмонов Талъат Субҳонқулович** — “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Утемуратова Хатира Бекмуратовна** — “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Амударё тумани таянч пункти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Файзилов Мехрож Мусинжонович** — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши раиси

**Хаджиев Илхом Абдукаюмович** — Наманган шаҳридаги “Ҳилол-тотли” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Хайитов Абдурасул Режаббаевич** — Янгиқўрғон туманидаги “Мўғол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Хасанов Хислат Пулатович** — “UNICON.UZ” Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари

**Ҳомидов Мақсуд Амонович** — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Бухоро вилояти Кенгаши раиси

**Холдаров Бахром Шарофович** — Тошкент вилояти “Ижтимоий ҳимоя” жамияти раиси

**Эшонкулов Жовли Сувонович** — Шаҳрисабз тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Данияр Юлдашевич** — Тўрткўл туманидаги “Бунёдкор Қорақалпоғистон” масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

**YOSHLAR PRESS-KLUBIDA**

# МАЪНАВИЯТСИЗ ҲАЁТ МАЪНОСИЗДИР




Р.НАЗАРМАТОВ

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

**Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессиясида ёшлар маънавияти масаласи муҳокама этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.**

Даставвал мутахассислар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида юртимиз бўйлаб ўтказилган тарғибот акцияси ҳақида маълумот берди. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ҳам шарҳлаб ўтилди.



Муҳокама жараёнида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида фикр-мулоҳаза юритилиб, жўяли таклифлар ўртага ташланди.

**Азамат ЗИЁ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ҳозир айрим ижтимоий тармоқлар ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида маънавият тушунчаси ҳақида нотўғри фикрлар тарқатилмоқда. Гўё маънавият бу адашиш эмиш. Мутлақо нотўғри гап! “Маънавият бизга керак эмас”, дея бонг урилмоқда. Бундай хуружлардан аҳолини, айниқса, ёшларни ҳимоя қилиш зарур. Уларга миллий қадриятларимизнинг миллат равнақидаги аҳамияти ҳақида кўпроқ маълумот бериб, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак. Зеро, маънавиятсиз ҳаёт маъносиздир.

**Азизбек ОДИЛОВ, Республика ёш тарғиботчилар маркази координатори:**

— Маънавиятни мажбурлаб сингдириб бўлмайди. Бунинг учун маърифатпарвар устозлар сабоғини олиш, бола тарбиясида ота-оналар масъулиятини кучайтириш, ўқитувчиларнинг обрў-нуфузини кўтариш керак. Оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигини тизимли йўлга қўя олсак, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлай олган бўламиз. Муҳими, маънавий юксалишга эришамиз. Ижтимоий тармоқларда маънавият ҳақида қуруқ баҳс-мунозара олиб боргандан кўра, конструктив танқид, тўғри ечим ва амалий ҳаракат керак.

**ESHITDINGIZMI?**

# НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шерзод МАҲМУДОВ

**Кимё соҳаси бўйича Нобель мукофоти лауреати, япониялик олим Рёдзи Ноёри ҳамда Нагоя университети Президенти Мацуо Сейити раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ташриф Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббусига кўра Халқаро Нобель фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган.**



Дастлаб Рёдзи Ноёри Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, ёш тадқиқотчилар ва талабалар билан учрашди. Олимнинг илмий фаолиятига бағишланган маърузасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида ҳам сўз борди. Илм-фан соҳасида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

— Юртингизга биринчи бор келишим, — дейди Рёдзи Ноёри. —Умид қиламанки, бу сўнггиси эмас. Ўзбекистонда билимли ва серғайрат ёшлар талайгина. Келажакда улар орасидан Нобель мукофоти лауреатлари етишиб чиқишига ишонаман. Ахир, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларингиз бор. Ул даҳо зотлар яратган илмий мерос бебаҳо.

Куннинг иккинчи қисмида Тошкент давлат техника университети қошидаги Ўзбек-япон ёшлар инновацион марказида делегация аъзоларининг ёш олимларимиз билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Шу жойнинг ўзида Тошкент давлат техника университети ва Нагоя университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Бугун япониялик меҳмонлар Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

**BAYRAM SHUKUHI**

# МУСОБАҚА, КОНЦЕРТ ВА СОВҒАЛАР



Ҳасан УСМОНОВ

**Чилонзор тумани ҳокимлигида Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**



К.ЎЛМАСОВ



Тадбир спорт мусобақаси билан бошланди. Унга кўплаб ёшлар жалб қилинди. Бадиий дастур ҳам намойиш қилиниб, бир гуруҳ истеъдод соҳиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Байрам концерти давомида туман “Баркамол авлод” маркази қошида фаолият кўрсатаётган “Шодлик” рақс дастаси, жанг санъати бўйича “Турон” спорт клуби аъзолари ҳамда Миллий гвардия аскарларининг чиқишлари томошабинларда алоҳида таассурот уйғотди.

**XALQARO HAMKORLIK**

# КЕЙИНГИ МАНЗИЛ — БУХОРО

**Аввал хабар қилганимиздек, Хитой Халқ Республикасининг “Умумжаҳон ёшларни ривожлантириш форуми” ташкилоти ижрочи президенти Си Лью хоним бошчилигидаги делегация мамлакатимизга меҳмон бўлиб келди.**



Куни кеча хитойлик мутахассислар **Фарғона** вилоятига сафар қилди. Дастлаб Марғилон шаҳридаги миллий ҳунармандчилик маркази фаолияти билан танишиб, фарғоналик ёшлар билан самимий мулоқот олиб борди.

Сўнг меҳмонлар Қўштепа туманидаги “Исмоилжон гиламлари” қўшма корхонасида бўлиб, бу ердаги шароитларни кўрди.

Риштон туманида ташкил этилган учрашувда уларга миллий кулолчилигимизнинг боқий анъаналари, шунингдек, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури асосида ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Фарғона вилояти марказида эса, ёш тадбиркорлар учун маҳорат дарслари ташкил этилди.

Делегациянинг **Хоразм** вилоятига ташрифи Урганч шаҳридан бошланди. Ёш тадбиркор ва фермерлар маҳсулотларининг кўргазмаси меҳмонларда ёрқин таассурот уйғотди. Шахсий бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар учун “Бизнес-таълимнинг замонавий йўналишлари: Хитой тажрибаси” мавзусида маҳорат дарси ўтилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Ташриф давом этмоқда.

**Мухбирларимиз**

**TAQDIMOT**

**Ватанпарварлик — баландпарвоз гап эмас. Ватанпарварлик туғилиб ўсган она юртини то сўнгги нафасгача кўз қорачиғидек асраш дегани.**

# МАРДЛАР НОМИ БАРҲАЁТ

Б.АБДУХОЛИҚОВ

Ватан ҳимоясига отланган, юрт тинчлиги учун жонини ҳам аямаган мард ўғлонларимиз хотираси халқимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида юртимиз озодлиги, халқимизнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” номли китоб тақдимотида бу фикрлар яна бир бор тилга олинди.

Жасоратнинг катта-кичиги бўлмайди. Истиқлол йилларида юртимизнинг кўплаб асл фарзандлари, хусусан, мард ҳарбийларимиз мустақиллигимизни асраш, юртимиз тинчлигини таъминлаш, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашишда букилмас ирода ва жасорат намунасини намоён этди. Юртбошимиз ташаббуси билан чоп этилган китобни уларнинг хотирасига ҳурмат ва эҳтиром намунаси десак бўлади.

Тақдимот маросимида Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган мард ўғлонлар ёдга олинди, уларнинг оила аъзоларига эса, ташкилотчиларнинг совғалари тақдим этилди.

**XUSHXABAR**

# БУ ДАМЛАРНИНГ ШУКУҲИ БОШҚА

Элдор НАВРЎЗОВ

**Жиззах шаҳрининг “Иттифоқ” маҳалласида кўп қаватли “Ёшлар уйи” қуриб битказилди**

32 хонадондан иборат янги тураржой объектида барча қулайликлар муҳайё этилган. Мустақилликнинг 27 йиллик тўйи арафасида шинам хонадонларга ёш оилалар кўчиб ўтди.

“Ёшлар уйлари”нинг тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Жиззах вилояти ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари иштирок этиб, янги хонадонлар соҳибларини қўшалоқ шодиёна билан самимий қутлади.




— Қувончимиз чексиз, — дейди Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи ходими Марат Илёсов. — Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, мушкулини осон қилишга шай мамлакат фуқароси эканимдан ғоят бахтиёрман. Президентимизга мингдан-минг раҳмат дейман — ажойиб уй-жойга эга бўлдик. Эр киши оиласининг таъминоти учун ҳамиша масъулдир. Бугун мен давлатимиз кўмаги билан ана шу вазифани тўкис адо эта олдим, деб ҳисоблайман. Юрт тараққиёти йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга тайёрман.

**Пойтахтимизда “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди**

# МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг моҳиятини кенг ёритишга қаратилган танловнинг республика босқичига 300 нафарга яқин ижодкор икки мингга яқин ижодий ишини тақдим этди. Жорий йилда илк бор интернет журналистикаси йўналиши ҳам киритилди.

Маданият вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Бадиий академия, “Тасвирий ойина” уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловга келиб тушган ижод намуналари малакали экспертлар томонидан ўрганиб чиқилиб, улар ичидан муносиблари танлаб олинди. Бунда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик одимлари, ёшларга оид давлат сиёсати нечоғлиқ очиб берилганига жиддий эътибор қаратилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари диплом, статуэтка ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

YOSHLAR OVOZI

AZIZ VA YAGONAMSAN, JONAJON O'ZBEKISTONIM!

# ЕР ЮЗИНДА ЎЗГА БИР ОЛАМ ЭРУР БИЗНИНГ ВАТАН!

**Мустақиллик байрами яқин. Юртдошларимиз юз-кўзларида кўтаринки кайфият. Тилларида бир сўз — шукроналик. Қалбларида эзгу ниятлар... Ана шундай азиз ва муқаддас байрам арафасида мустақиллик аталмиш бебаҳо неъмат, унга эришиш йўлидаги курашлар, фидойиликларни эсламаслик мумкин эмас. Шу боис ўзининг узоқ йиллик ижодий ва илмий фаолияти давомида кўплаб китоблар, мақолалар муаллифи бўлган, асарларида XX аср ўзбек маърифатпарварлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов билан суҳбатда бўлдик.**

**— Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, шўро замонидаги оммавий қатағон мавзусида адабиёт билан боғлиқ жиҳатларни ёритиш ва Ўзбекистоннинг яқин тарихининг ўқилмай қолган, шунингдек, нотўғри ёритиб келинган саҳифаларини қайта тиклаш ҳаракатида бўлдингиз. Беҳбудий, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби қатағон қурбонларининг ижоди ҳақида кенг кўламли ишлар қилдингиз. Сизнингча, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодга етказиш қанчалик муҳим аҳамият касб этади?**

— Болалик даврим уруш йилларига тўғри келгани учунми, тинчликнинг бебаҳо неъмат эканини яхши ҳис қиламан. Ҳаётий кузатишларим, илмий изланишларим натижасида мустақиллик учун қандай курашлар олиб борилгани, не-не жонлар қурбон бўлгани, қанча умрлар армонда ўтгани, кўплаб қалблар ўртаниб кетганига амин бўлдим. Аждодларимиз ҳасрати, дарду армонларини ҳис қилдим. Бундай фидойиликларни унутиш, номларини абадийлаштирмаслик — ўзликни унутиш билан баробар бўлар эди. Мустақиллигимиз шарофати билан ана шундай эзгу, савоб ишга бош қўшиш насиб қилди.

Ўтган асрнинг 37-38 йилларида ўлкамизда ҳукмрон тузум тазйиқи билан кўплаб бегуноҳ инсонлар қатағон қилинди. Бу катта қирғинда аёллар бева, болалар етим бўлиб қолди. Жамиятнинг илғор зиёли қатлами қораланди. Бугунги кунда ўша пайтлар қатағонга учраган кўплаб бегуноҳ инсонлар хотирасини абадийлаштиришга бағишланган энциклопедия яратиш устида иш олиб боряпмиз. Унинг асосий муаллифларидан бири сифатида чуқур, кенг қамровли изланишлар олиб боришимга тўғри келяпти. Энциклопедияда асосий эътибор 36-37 йилларда қамоққа олинган инсонлар тақдирига қаратиляпти. Кўпчилиги давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, олимлар ва аксарияти ҳалигача бизга таниш бўлмаган шахслардир. Эндиликда уларнинг номларини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришни мақсад қилганмиз.

**— Қатағон қилинган адибларимиз орасида ўзбек романчилик мактабининг асосчиси дея эътироф этиладиган, ўзининг "Ўткан кунлар"ию, "Меҳробдан чаён" каби дурдона асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида сўнмас из қолдирган, халқимизнинг кўнглидан чуқур жой олган ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам бор эди. Адиб ҳаёти ва ижодини астойдил ўрганган олим сифатида бугун ўқувчиларингизга қандай янги маълумотлар тақдим эта оласиз?**

— Абдулла Қодирийнинг бутун ҳаёти ва ижодига оид кўплаб ҳужжатлар, қўлёзмалар ва замондошлари асарларини ўрганишга муваффақ бўлдим. Мана шуларга асосланиб, Абдулла Қодирий энциклопедиясини яратиш устида иш бошлаганмиз. Энциклопедияда, биринчи навбатда, адибнинг ҳаёти, ижтимоий-ижодий фаолияти, фақатгина йирик романлари эмас, балки кичик-кичик ҳажвий асарлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади. Асарларининг қаҳрамонлари тўғрисида, уларнинг прототипи бор ёки йўқлиги каби мавзуларни ҳам қамраб оляпмиз. "Ўткан кунлар" романида тасвирланган воқеалардан тортиб, Кумуш ва Отабекнинг қандай кийим кийганию, ўша даврда Фарғонада тайёрланадиган таомлар, урф-одатлар каби кўплаб эътиборимизни тортадиган маълумотлар жамланади.

Бундан ташқари, китобда Абдулла Қодирий ҳақида замондошларининг хотиралари ҳам акс эттирилади. 1983 йилда Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида хотиралар" китоби чоп этилганини адабиёт аҳли яхши билади. Унда кўплаб адибларимизнинг фикр-мулоҳазалари, хотиралари берилган бўлса-да, Абдулла Қодирий билан суҳбатда бўлган яна бир қанча замондошлари хусусида маълумотлар келтирилмаган. Масалан, илгари бизда Аброр Ҳидоятовнинг Қодирий билан учрашгани, уларнинг суҳбатларига оид маълумотлар бўлмаган. Янги тайёрлаётган энциклопедиямизда таниқли театр ва кино актёри, режиссёр Турғун Азизов ва Аброр Ҳидоятовнинг қариндоши уйидаги йиғинда Абдулла Қодирий ҳам қатнашгани тўғрисидаги маълумотлар бор. Ўша учрашувда Аброр Ҳидоятовнинг айтган ашуласидан Абдулла Қодирий жуда таъсирланган экан.

**— Жадид адабиётида замон қаҳрамони қандай инсонлар бўлган?**

— Жадид адабиёти пайдо бўлгунга қадар асарларда кўпроқ хаёлий қаҳрамонлар гавдалантирилган. Бу ҳам балки ўша давр муҳити билан боғлиқ ҳодисадир. Жадидчилик адабиётига олиб кирилган замон қаҳрамони бирорта партиянинг аъзоси бўлмаган, бирор ташкилотнинг тор манфаатига хизмат қиладиган одамлар эмас эди. Улар сизу биз каби оддий инсонлар бўлган. Масалан, Чўлпоннинг "Доктор Муҳаммадёр" номли насрий асаридаги қаҳрамон Каспий денгизи атрофига бориб, озгина ер олади. Тинимсиз ишлаб, Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўқийди, кейин Швейцарияга бориб, у ерда ҳам табиблик соҳасини эгаллайди. У чет эл адабиётларини таржима қилиб, ёзувчилик даражасига кўтарилиб, мамлакатига қайтиб келаётган пайтда еридан нефть чиқиб бойиб кетади. Бунинг орқасида прототип бор... Чўлпон Қўқонда Обиджон Маҳмудов деган одам бўлганини яхши биларди. Обиджон Маҳмудов "Садойи Фарғона" газетасининг муҳаррири, ҳомийси бўлган. Ёшлигида акаси билан аразлашиб, Каспий денгизи атрофидаги кимсасиз ерларга кетиб қолади. Ўша ердан нефть кони топиб, бойиб кетади. Чўлпон бу инсон билан кўришган, унинг уйида ҳам бўлган. Кейинчалик Обиджон Маҳмудов "Доктор Муҳаммадёр" асари қаҳрамонига прототип қилиб олинади. Шунингдек, Ҳамза ва бир қанча ижодкорлар асарларида ўқимишли, замонавий илмлардан хабардор шахслар образини яратади. Асарларда жамиятда бўлаётган ўзгаришларни теран англайдиган, оиласи, фарзандларига яхши муносабатда бўладиган қаҳрамонлар пайдо бўлади. Жадидлар адабиётга олиб кирган бундай қаҳрамонлар ўша давр одами, қаҳрамони аслида қандай бўлиши кераклигини англатар эди. Ва улар жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган зиёли инсонлар аслида орамизда, деган фикрни ифодалар эди.

**— Ватанимиз мустақиллиги негизида жадидчилик ҳаракати ётади, десак муболаға бўлмайди. Халқ эркка, озодликка интилишининг асосий белгилари нималарда намоён бўлган эди?**

— Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши бевосита XIX аср охири XX аср бошида юз берган ички ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва юз берган сиёсий воқеаларга боғлиқ жараёндир. Жадидчилик туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлган. Жадидчилик миллат уйғонишининг ижтимоий намоён бўлиши эди.

Туркистон жадидлари ўлкада қарор топган мустамлакачилик, зулм, хўрлик, жаҳолат, қолоқлик, ижтимоий истибдоддан қутулиш, эркин ривожланишга эришиш маърифат орқали юз беришини яхши англаган. Улар ишни энг аввало маърифатчиликдан бошлаб, кенг халқ оммасини саводли қилишга, жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жадид мактаблари очди. Мунавварқори Абдурашидхонов Исмоил Гаспиринскийнинг ўқиш ва ўқитиш, мадраса ва мактаб ислоҳотига оид фикрларининг Туркистондаги оташин тарғиботчиларидан бири эди. У 1901 — 1904 йилларда қримлик дўсти Расим Кишод ёрдамида Тошкентда "Усули савтия" мактабини очади. 1910 йилга келганда бундай мактаблар сони 10 тагача етади. Бу мактабларда тайёргарлиги анчагина жиддий бўлган истеъдодли ёшлар ўқитувчилик қилган. Мунавварқори эса 1907 йилда Туркистон ўлкасида биринчилар қаторида "Адиби аввал", "Адиби соний", "Ер юзи" ("Жуғрофия"), "Ҳавойижи диния" китобларини нашр эттирган.

Ўлка аҳолисини зиёли қилиш ҳаракати — янги усулдаги мактаблар, газета ва театрлар очиш жараёни жуда кўп маблағни талаб қилар эди. Кўпчилик бойлар ўз тинчлигини ўйлаб, бунга бош қўшмади. Бироқ уларнинг орасида зиёли-ташаббускор бойлар ҳам бор эди. Масалан, Ойбек домланинг қайнотаси Саидносир Миржалилов илмли ёшларни қўллаб-қувватлаган. Германияда ўқиётган талабаларга стипендиялар юбориб, кўмак берган. Шунингдек, кўплаб китоблар нашр этилишидаги ҳомийлиги унинг зиёли, олижаноб киши бўлганидан далолат.

**— Мустамлака зулми туфайли тараққиётдан орқада қолган жамиятни уйғотиш мақсадида юқорида айтганингиздек, жадидлар газеталар нашр эттирди, театр труппаларини тузди, янги мактаблар очди. Ўлканинг илғор, саралаб олинган ёшлари Европага ўқишга жўнатилди. Афсуски, бу 70 дан ортиқ талабанинг тақдири фожиа билан якунланди. Маълумотларга қараганда, улар орасида хотин-қизлар ҳам бўлган. Совет ҳукумати ушбу йигит-қизлардан нима сабабдан бунчалик қўрқар эди ва улардан қутулиш пайига тушади?**

— XX асрнинг 20-йилларида Бухорода халқ жумҳурияти ташкил этилди. Янги ҳаёт, янги орзу-интилишлар пайдо бўлди. Худди шу кезлари Туркистон ўлкасида буюк бир маънавий ҳаракат бошланди. Мустамлака зулми туфайли тараққиётдан орқада қолган Туркистон халқи замонавий илм-фан сирларини ўрганишга киришди. Шу мақсадда халқимизнинг энг салоҳиятли фарзандлари сараланиб, Европанинг илғор мамлакатларига ўқишга юборилди. Бу тарихий ишга атоқли давлат ва жамоат арбоблари Файзулла Хўжаев, Мунавварқори, Фитрат, Саидносир Миржалилов, Чўлпон каби зиёлилар бош бўлган.

Юртимиздан борган етмишдан зиёд талаба Германиянинг турли шаҳарларида кимё, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, тарих, фалсафа, педагогика, генетика, инженерлик соҳаларида билим олди. Чунки Туркистон шундай мутахассисларга ниҳоятда муҳтож эди. Бу йигит-қизларнинг тарихий тақдири, умр йўллари, уларнинг бошидан кечирган ҳаёт синовлари бағоят ибратлидир.

"...22 йилнинг сўнгги ойларида Германияга келгач, яхши кутиб олиндик. Ҳар қандай немис бизни оиласига қўшиб олиш учун эшикларини очиб қўйди. Оддий муаллимдан бошлаб, дўхтири, профессори тил ўрганишимиз учун қўлидан келган ёрдамини аямади. Германлар дунёни севганлари каби Туркистонга ҳам жуда қизиқар эканлар. Кўзимиз билан кўрганимиз учун бу ерда, очиқ айтишимиз керакки, улар мамлакатимизни, тарихимизни, истиқболимизни бир туркистонликдан ортиқ биладурлар, танийдурлар. Юртимиз тўғрисида биз учун энг муҳим бўлғон китоблар ёзиб, бошқа тиллардан ҳам таржима қилғонлар. Яна биз учун унутилмас бир яхшилик қилдиларки, туркчамизни Оврупа тиллари қаторига қўшдилар. Ўрта мактаб имтиҳонларида французча ёки инглизча ўрнида ўз она тилимизда синаб кўрдилар...", — дея талабалардан бири Германиядаги ҳаёти ҳақида фикрларини қайд этган.

XX асрнинг 30-йиллари бошида Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари аллақачон тугатилган. Зулм ва зўрлик, алдов ва маккорликка асосланган большевистик салтанат озодлик ва истиқлол ҳақидаги орзуларни қонга ботирди. Германияда ўқиб, ноёб касб-ҳунарларни эгаллаб келган йигит-қизларнинг тақдири ҳам аянчли бўлди. Зеро, коммунистик тузум учун зиёли шахслар керак эмас эди. Йигирманчи йилларнинг ўрталарида немис диёрида ўқиб, уйларига қайтган талабаларнинг аксарият қисми қатағонга учради.

**— Германияда ўқишни давом эттираётган иккинчи гуруҳнинг тақдири-чи?**

— Улар бу мудҳиш фожиалардан хабар топиб, таҳликага тушди. Бухоро ҳукумати юбориб турган стипендиялар, ҳукумат жамияти томонидан берилаётган моддий ёрдамлар бутунлай тўхтаб қолди. Муҳтожлик, тушкунлик, мусофирлик азоблари, Ватан соғинчи уларни қийнар эди. Берлиндаги совет элчихонаси орқали уларни собиқ иттифоққа қайтариш учун тазйиқ бошланди. Туркистонлик талабалар шундай оғир шароитда ҳам таҳсилни тўхтатмай, қийинчилик ва машаққатларни енгиб, ўқишни тугатади. Бироқ улар энди икки ўт орасида қолади. Ватанда уларни ҳам аянчли қисмат кутиб тургани муқаррар эди. Шунинг учун улар ёт элларда мусофир бўлиб қолиб кетишга мажбур бўлди. Изтироблар, иккиланишлар виждон азоби остида она юртни қўйиб, чет элларга, жумладан, тил ва дин жиҳатдан Ватанга яқин бўлган Туркияга бош олиб кетишга мажбур бўлади.

XX аср бошларида юраги соф орзу-умидлар билан тўлиб, олис Германияга илм ва бахт излаб кетган, Ватанига қайтгач, бахтсизликка дучор бўлган йигит-қизларимиз орасида Марям Султонмуродова исмли қиз ҳам бор эди. Марям Германиядан қайтгач "Гулистон" журналида ишлай бошлайди. Туҳмат-бўҳтонларга йўлиқади. Ноҳақ қамалиб, ўн йил ўтгандан кейин ўзининг Хоразмдаги олис қишлоғига қайтиб боради. У ерда ҳатто ҳамшираликка ҳам зўрға жойлашди. Ўша ерда хор-зор бўлиб ўлиб кетади.

Талабаларнинг маълум бир қисми Германияда қолади. Айримлари Туркия ва бошқа мамлакатларга ўтиб кетади. Ўша мамлакатларда машҳур олимлар бўлиб етишади. Масалан, Тоҳир Чиғатой Туркиядаги таниқли олимлардан бири бўлган. Мустамлакачи золимлар эса, бир кун келиб ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиши муқарар бўлган бу ёш зиёлилардан шунчалик қўрқар эдики, уларни қувғин ва қирғинларга гирифтор этди. Туркия, Германия ва бошқа чет элларда қолиб кетган талабалар гарчи илмий фаолият ва шахсий турмушда тўкис, фаровон ҳаёт кечирган бўлса-да, умр бўйи Ватан соғинчи билан ўртаниб яшади. Чунки улар дунёдаги тенгсиз бойликдан жудо бўлган эди.

Туркистонлик талабаларнинг аксариятининг тақдири, афсуски, ҳалигача бизга маълум эмас. Уларнинг ҳар бирининг номларини тиклаш, тарихга муҳрлаш чин инсоний бурчимиздир. Умид қиламанки, бундай эзгу ишларга ёш олимларимиз, илмий изланиш олиб бораётган ёшлар ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, мустақил юртимизда бунинг учун барча шароит етарли. Имкониятлар эшиги очиқ.

**М.ҚОСИМОВА,**
**А.МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**


## "TRADE CONSULT SERVICE"

### масъулияти чекланган жамияти

**2018 йил 1 октябрь куни соат 15:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**"AVTOTA'MIRNUR" шўъба корхонаси ҳисобида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:**

2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/958ААА бўлган "NEXIA S150". Бошланғич баҳоси — 22 660 000 сўм.
2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/105VEA бўлган "EPICA". Бошланғич баҳоси — 39 005 000 сўм.

**Юқоридаги мулклар 2018 йил 1 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 11, 22 октябрь ҳамда 1 ноябрь кунлари соат 15:00 да ўтказилади.**

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) иш куни олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан кейин автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Trade Consult Service" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк", Яшнобод филиали, МФО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига ўтказиш ва қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов қоғози.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин.**
**Гувоҳнома º 011315.**


FOTOFAKT

Клара ХУДОЙБЕРГЕНОВА




## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ "ЁШЛАР МЕҲНАТ ГУЗАРИ"

### Хўжайли туманида очилди

**450 квадрат метр майдонни эгаллаган янги муассаса "Абат" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Икки қаватли бино замонавий таъмирга эга. Унда тадбиркор тенгдошларимиз учун барча қулайликлар яратилди.**



Лойиҳа "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга оширилиб, қурилиш ишларига маҳаллий ишбилармон Ойбек Ўрозбоев ҳомийлик маблағларини йўналтирган.

Ҳозирнинг ўзида "Ёшлар меҳнат гузари"да 20 нафар йигит-қиз иш билан банд. Улар китоб мажмуаси, гўзаллик салони, мебель савдо маркази ва бир қанча дўконларда меҳнат фаолиятини бошлаган.

YOSHLAR OVOZI
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz
101-102-SONLAR 2018-YIL 30-AVGUST


YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# КЕЛИБ КЎРГАНДА ГАП КЎП



Роҳатой ҚОДИРОВА

**Навоий вилоятида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг ижроси ўрганилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакилларидан иборат ишчи гуруҳи еттита тумандаги ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечириб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатда бўлди.**

Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши раиси бошчилигидаги делегация дастлаб Кармана туманига ташриф буюрди. Ҳудудда 2 минг 255 нафар йигит-қиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Улар тақдим этган бизнес лойиҳаларнинг 52 таси маъқулланиб, Иттифоқ қошидаги "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади. Лекин бу чегара эмас. Рўйхат давом эттирилиши ҳам мумкин.



Пойтахт вакиллари "Бешкент" маҳалласидаги 6 сотих ер майдонида барпо этилаётган "Ёшлар меҳнат гузари"ни ҳам кўздан кечирди. Айтиш керак, қурилиш жараёнига вақтинча ишсиз тенгдошларимиздан иборат "Фидойи ёшлар" гуруҳи жалб этилган. Гузар фойдаланишга топширилгач, дастлабки даврда унда камида 25 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

"Ёшлар меҳнат гузари" Навбаҳор туманининг "Бешрабод" маҳалласида ҳам қад ростламоқда. Лойиҳага маҳаллий тадбиркор Воҳид Жўлиев ҳомийлик кўрсатган. Янги масканда гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устахонаси, тикув цехи ва кутубхона ташкил қилинади. Дарвоқе, зиё маскани учун минг дона бадиий адабиёт нақд. Улар Ёшлар иттифоқи томонидан совға сифатида топширилади.

Умуман олганда эса, навбаҳорлик ёш тадбиркорлар Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 28 та бизнес лойиҳа ижросига киришган. Бунинг учун 3 миллиард сўмдан зиёд сармоя йўналтирилди.

Ёшлар иттифоқи раиси ўз гуруҳи билан узоқ Томди туманига ҳам борди. Танишув 12-болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошланди. Худди шу ерда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижросига масъул маҳаллий ишчи гуруҳининг штаби ҳам жойлашган. Мактабнинг истеъдодли ўқувчилари иштирокидаги кичик концертдан сўнг, туман марказига қараб йўл олинди.



Айни вақтда Томдида замонавий "Ёшлар меҳнат гузари" ҳамда спорт майдончаси қурилмоқда. Иккала объектни ҳам Ёшлар иттифоқи тасарруфига бериш кўзда тутилган.

Зарафшон шаҳрида эса, меҳнат гузари фойдаланишга топшириб бўлинган. Ҳозирча ўн нафар ёш доимий иш билан банд. Лойиҳа учун ёш тадбиркор Аваз Худойбердиев маблағ ажратди. У бўш бинони ноль қийматда фойдаланишга олиб, ажойиб масканга айлантирди. Иншоотнинг биринчи қаватида тикув ҳамда мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи, шунингдек, пардалар салони жойлашган. Иккинчи қаватдаги хоналар гўзаллик салони ҳамда заргарлик устахонаси учун мўлжалланди.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳарда яна учта "Ёшлар меҳнат гузари" учун ер майдони тахт қилиб қўйилган. Тез орада объектларга қурилиш техникаси етиб боради.

Ёшлар етакчиси Нурота туманидаги эркаклар Мурувват уйида яшаётган ёшлар ҳолидан ҳам хабар олиб, улар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Муассасада 18 ёшга тўлган, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор 225 нафар шахс парваришланмоқда. Улар ўзгалар ёрдамига муҳтож. Мулоқот жараёнида Шоди Ражабов исмли чироқчилик йигит ишчи гуруҳининг эътиборига тушди. Тенгдошимиз шеър ёзади. Меҳмонларга у она ҳақидагисини ўқиб берди.

— Мурувват уйига кўпчилик келади, аммо бугунги учрашув алоҳида, унутилмасдир, — деди умидли шоир. — Отам вафот этган. Онамни эса, йилда бир-икки марта кўраман. Ёшлар иттифоқи раиси мени жон қулоғи билан эшитди. Орзу-ниятларим ҳақида сўради. Илгари менга бундай саволларни ҳеч ким бермаган. Планшет совға қилишганида-ку, бошим кўкка етди! Барча шеърларимни тўплаб беришимни айтишди. Китоб қилиб чиқарилар экан. Ёшлар иттифоқидан жуда миннатдорман.

Иттифоқ Мурувват уйига 200 дона бадиий китоб, турли спорт анжомлари ҳамда стол тенниси жамланмасини ҳам совға қилди.

# МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ ДУНЁ УЗРА ЯНГРАЙДИ

Ў.БАРОТОВ, ЎзА мухбири

**XIV-XVI асрларда Шаҳрисабз илм ва одоб қуббаси сифатида шуҳрат қозонган. Тарихий манбаларда Амир Темур ва темурийлар даврида бу ерга узоқ-яқин юртлардан кўплаб толиби илмлар, маданият ва санъат намояндалари келгани, ўзаро ижодий ҳамкорлик қилгани ҳақида маълумотлар бор.**

Бугун кўҳна Кеш муҳим тарихий воқеага мезбонлик қилиш арафасида. Президентимиз ташаббуси билан жорий йил 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтади. Айни пайтда анжуманга тайёргарлик жараёни қизғин давом этмоқда.

"Кеш" атамаси қалбларни яйратувчи, дилкаш каби маъноларни ифодалаши тарихчилар томонидан қайд этилган. Шаҳрисабзнинг бугунги қиёфаси ҳақиқий маънода кўнгилларни яшнатиб, кўзларни қувонтирмоқда. Анжуман муносабати билан тарихий маскан Амир Темур хиёбони ўзгача қиёфа касб этган. Оқсарой атрофидаги майдонлар, ҳудудлар кесимида тақсимланиб, миллий анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи сценарий ва дастур лавҳалари устида иш олиб борилмоқда. Саҳна декорацияси ва майдонни ободонлаштириш ишлари авжида. Қўшимча чироқлар ва декорациялар учун махсус ёритгичлар ўрнатилмоқда. Бу жараёнда 1000 нафарга яқин ишчи иштирок этмоқда.

— Оқсаройнинг тарихий қисмида қадим ота-боболаримиз турмуш тарзини акс эттирувчи этношаҳар барпо этишга ҳаракат қилдик, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Азамат Сатторов. — Бунинг учун этношаҳар ичида ўзига хос, мақом санъати билан бир даврда шаклланган амалий санъат турлари, халқ турмуш тарзи билан боғлиқ этнографияни қисман жамлашга уриндик. Иложи борича қадимий этнографиядан кўпроқ йиғишга, хорижлик меҳмонларни асл нусхалардан баҳраманд этишга эътибор қаратяпмиз.

Анжуман доирасида илмий симпозиум, жаҳон мақом санъати ва ўзбек мақом санъати усталари иштирокидаги чиқишлар, ёш мақом ижрочилари танлови, шунингдек, илмий-ижодий тақдимотлар, давра суҳбатлари ва бошқа барча тадбирлар белгиланган дастурлар асосида ташкил этилади. Бунинг учун алоҳида павильонлар ажратилган. Форумни юқори савияда ўтказиш мақсадида 1 минг 600 кишилик махсус амфитеатр барпо этилмоқда. Анжуманнинг очилиш маросими бадиий дастурида режиссёр Баҳодир Йўлдошев тавсиясига кўра, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғона мақом йўналишлари бўйича вилоятлар мақом ансамблларининг чиқишлари, мусиқий композициялар режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳрисабзлик ёш мақомчиларнинг ижролари ва Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли томонидан "Шашмақом"нинг дунёда эътироф этилган 6 шўъба тармоғи – "Бузрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ", "Ироқ" мақом намуналаридан композициялар намойиш этилиши кўзда тутилган.

— Мақом ансамблимиз 7 кишидан иборат, — дейди фарғоналик иштирокчи Шерали Раҳмонов. — Мақсадимиз фарғонача йўналишдаги қўшиқларимиз билан бутун дунёга санъатимизни намоён этиш. Анжуманга "Сароҳвори бузрук"дан "Насруллойи" ашуласини тароналари билан тайёрлаб келганмиз. Устозларимиз орзу қилган кунларга бугун биз шогирдлар эришиб турганимизнинг ўзи бахт. Мақом санъатига қаратилаётган эътибордан ғоят миннатдормиз. Насиб этса, юрак торларини чертувчи ижроларимиз билан иштирокчиларни хушнуд этишга тайёрмиз.

YUKSALISH

Сумбулой НУРМЕТОВА,
Шохруҳ ИБОДУЛЛАЕВ,
Зулфизар МАВЛОНОВА

# ЯНГИ УЙДА ҲАЁТ ҲАМ ТАТИЙДИ



Намунавий лойиҳа асосида қуриб битказилган замонавий уйлар эндиликда **Боғот** тумани Бешариқ қишлоғидаги "Ашхобод" маҳалласининг ҳам кўркига-кўрк қўшиб турибди. Қувонарлиси, бу шинам хонадонларнинг ўн саккизтаси жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизга насиб этди.

Уларга уйлар имтиёзли кредит ҳисобига йигирма йил муддатга, дастлабки тўловсиз тақдим этилган. Шунингдек, байрам муносабати билан ҳар бирига микротўлқинли печ, ўн бир нафар фуқарога эса, ногиронлик аравачалари топширилди.

Тантанали маросимда туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ойбек Холбоев иштирок этди.

Азиз ва улуғ байрамимиз муносабати билан **Шовот** туманида 18 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага арзон уйлар топширилди. Уларнинг бошланғич бадали совға тариқасида давлат ҳисобидан тўлаб берилади.

— Бундай савобли иш юртимизга қут-барака олиб келишига ишонаман, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилфуза Тоғанова. — Эҳтиёжмандларга уй-жой берилиши мамлакатимизда ҳеч ким эътибордан четда эмаслиги, кучли ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устуни эканидан далолат беради. Айни пайтда "Махтумқули" маҳалласида ҳам янги тураржой объектларини қуриш ишлари қизғин давом этмоқда.





— Уч нафар фарзандим билан узоқ йиллар дарбадар ҳаёт кечирдик, — дейди бухоролик Муборак Жумаева. — Бугун бизга уй берилди. Бундай ғамхўрлик учун барча мутасаддиларга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Шу кунларда **Бухоро** шаҳрида жами 420 та кам таъминланган оилага янги уйлар туҳфа этилган. Бундан юзлаб инсонларнинг қалби шодликка тўлди, келажакка ишончи қатъийлашди. Яқин истиқболда вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга яна 1 минг 500 дан ортиқ уй-жой қуриб бериш режалаштирилган.

QILMISH-QIDIRMISH

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК — ҲАЛОКАТНИНГ ИЛК МАНЗИЛИ

Беҳзод ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси,
Лайло ҲАЙИТОВА,
журналист

**Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни тан олишга тўғри келди: бугун ҳамма оилада ҳам соғлом муҳит ҳукмрон эмас. Ота-оналаримиз гарданидаги масъулиятни унутгани туфайли фарзандлари ноқобил бўлиб вояга етмоқда. Бу эса, жиноятчиликка йўл очиб бераётир.**

Бухоролик вояга етмаган йигитлар — Аслон Ҳакимов, Шерали Маликжонов, Жамшид Қобилов, Аҳад Акрамов ўйламай қадам босиб, муштумзўрлар сафига кирди. Бирон ҳунарнинг этагидан тутиб, жамиятга наф келтириш, юрт равнақига ҳисса қўшиш ўрнига, жиноят йўлини маъқул топиб, суднинг қора курсисига ўтирди.

Безорилар билан Толибжон Болтаев ҳамда тенгқури Қодир Жўраев ўртасида гап қочади. Оқибатда жанжал кўтарилиб, тўртовлон икки ҳамроҳни аёвсиз дўппослайди ва оғир тан жароҳатларини етказади.

Ўзи ҳам бир-икки мушт еган Жамшид Қобилов воқеа жойидан ғойиб бўлиб, бироздан кейин отасини бошлаб келади. "Қодир мени урди", — дея бегуноҳга туҳмат қилади. Аммо ота жанжални тинчитиш пайига тушмайди. Аксинча, Қодирнинг қўлидан ушлаб, бошқаларни уни уришга даъват этади. Суянч тоғи борлигидан фойдаланган ғўр ўғил яна Қодирга ташланади. Ниҳоят, жабрланувчи ҳушини йўқотади.

Суриштирувлар давомида жанжал телефонни қувватлантириш мосламаси сабаб келиб чиққани маълум бўлди. Тўғри, муштумзўрлар ўз қилмишига яраша жазоланди. Аммо Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи ўқувчиларининг арзимас нарсани деб жиноятга қўл ургани, ўша навқирон тарбия топган оила ҳамда таълим олаётган ўқув масканида маънавий муҳит бузилгани кишини баттар хавотирга солади.

Эътиборсизлик, бемеҳрлик оқибатида боланинг қалби яраланиши ҳеч гап эмас. Бора-бора оғриқ зўрайиб, заҳарга айланиши ҳам мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ота-оналаримиздан кўп нарса талаб қилинади. Ҳалокатга элтувчи омилларни вақтида илғаб, чора кўрсак, жиноят илдизини қуритган бўламиз.

31-AVGUST — QATAG'ON QURBONLARINI YOD ETISH KUNI

# BIR QADAR ULUG'VOR, MAHZUN

Sherzod MAHMUDOV

**— Hamma tashqariga!**

**Nazoratchining qahrli tovushi qamoqxonaning tor yo'laklarida momaqaldiroqdek gumburladi. Qorong'u xonalar eshik panjaralarining g'ichirlashi sovuq sukunatni buzdi. Qaddi bukilib, yuzi necha oylardan beri oftob ko'rmay, ko'zlari ichiga botib ketgan millatning asl o'g'lonlari horg'in ahvolda birin-ketin tashqariga chiqa boshladi. Yarim kecha. Osmonda uvadaga o'xshash bulutlar suzadi.**



— Abdullajon, omonmisiz?

Qo'llari kishanlangan mahkum sherigi tomon yaqinlashdi.

— Abdulhamid, ovozingizni eshitdim. Allohimga beadad shukr! Abdurauf aka, qaydasiz?

Sochlari oqargan mahbus og'riqlar zarbidan ingradi.

— Shu yerdaman, inim.

— Xayriyat, omon ekansiz. Yana kimlarni saqlashdi ekan bu zindonda?

— Kim bilsin, inim.

Nazoratchilar mahbuslarni qamoqxona tashqarisiga olib chiqib, mashinalarga mindirdi. "Qora qo'ng'iz" deb atalmish ajal mashinasi yo'lga tushdi. Atrofda biron tirik jon ko'rinmaydi. Odamlar qo'rquv, chorasizlikdan uyiga yashirinib olgan, faqat pana-panada yurtini sotgan, sho'rolar ta'biri bilan aytganda "vatanparvar"lar "mehnatining samarasi"ni ko'rish uchun tirqishdan mo'ralab qaraydi. Tosh ko'chalar ortda qoldi.

Uning ko'zlari bog'langan, ona shahri ko'chalaridan silkinib-silkinib borar ekan, endi bu yerlarga qaytib qadam qo'ya olmasligini, musaffo havodan simirib nafas ololmasligini bildi. Yuragiga armon qadalgan. U nomardlar kasriga qolib, xor bo'layotgan jasur yurtdoshlarining achchiq qismatidan eziladi. Zulmat qa'ridan millat ziyolilarini yovlarga qurbon qilib, o'z jonini saqlayotganlarning manfur basharasini aniq-tiniq ko'rib turadi. O'sha mashhur roman qahramonining holatiga tushgandek his qiladi o'zini.

"Kulishga haqqingiz bor, chunki o'ch olasiz. Faqat siz ifloslik natijasida kulasiz, men... men to'g'rilik samarasini o'raman, siz iflos vijdon bilan g'olibsiz, men sof vijdon bilan mag'lubman... Meni dor ostig'a kim keltirdi? Vijdon emasmi, taqsir?! Sizni bu yerda kim tomoshabin qildi? Ifloslik emasmi, taqsir?! Menim holimni ko'ringiz, qo'lim bog'lang'an, ustimda xanjar yaltiraydi. Lekin men kulaman... Nima uchun bunday, taqsir? Chunki vijdon rohatda, jon tinch, yurakda ishq... Durust, men ko'milgach, qabrim ustida ko'ksi dog'liq qizil lolalar ko'karar... Nimadan bu? Bu — sizning kabi tubanlar solg'an iz..."

Mashina to'xtadi. Anhorda oqayotgan suvning sharqiroq ovozi eshitiladi. Kuzning etni junjiktiruvchi shamoli yuzga uriladi. Mahbuslar jim, to'siqlarga bo'yin egmay esayotgan kuz sabosi ularga hurriyat shamolidek tuyuldi.

Mahbuslar mashinalardan tushdi. Shoirning yuragi g'amga limmo-lim. "Hozir nima bo'lsa-bo'lsin! Ammo millat xor bo'lmasin! Yorug' kunlar kelsin! Yurtning peshonasi yaraqlab, qullik, azob-uqubat barham topsin! Hurriyat elimning ustuni bo'lsin!"

— Tiz cho'k!

Yana o'sha sovuq sas. Buyruq ado etildi.

— Abdurauf og'a, biz nima uchun dunyoga keldik?

— Saodat uchun. Kun kelib umrimiz zoye ketmaganini xalq biladi, Alloh nasib etsa!

Shoir shunday deydi-yu, xayoli sarhadsiz makonlarda tentiraydi. U qo'rqmaydi. Ortida turgan qo'rqsin. Yurtiga bostirib kirgan, uni sotgan jirkanch kimsalar qo'rqsin. O'lim — ko'zimning oq-u qorasi kabi menga hamroh! Har bir olgan nafasim kabi yaqin! Nega undan qo'rqayin?

***Bormi senda bizim kabi insonlar,***
***Ikki yuzli ishbuzarlar, shaytonlar.***
***O'rtoq qonin qonmay ichkan zuluklar,***
***Qardosh etin to'ymay yegan qoplonlar?***
***Bormi senda bir o'lkani yondirib,***
***O'z qozonin qaynatg'uchi hoqonlar.***
***Bormi senda qorin-qursoq yo'lida***
***Elin, yurtin, borin-yo'g'in sotqonlar?***

Soqchilarning qo'lidagi qurollar hukmga shaylandi. Mahbuslarning yuragidan vulqondek toshib chiqqan tuyg'ular tilga ko'chdi.

— O'sha kunlar keladi. Samoda yangi oy ko'rinadi.

— Bu Vatan kun kelib ozod bo'ladi!

— Millatim, omon bo'l! Omin!

O'q ovozlari eshitildi. Epkin ta'sirida titrab turgan daraxt yaprog'i bandidan uzildi. Bo'zsuv tepasidagi daraxtlarda mudrab o'tirgan qushlar cho'chib, osmonga ko'tarildi.

Chuqur qilib qazilgan xandaqqa jasadlar birin-ketin toshdek yumaladi. Bulutlar ortidan hilol ko'rindi. Mayin esayotgan kuz sabosi shoirning nafasini olamga yoydi.

***Ko'ngil sen bunchalar nega***
***Kishanlar birla do'stlashding***
***Na faryoding, na doding bor***
***Nechuk buncha sustlashding.***
***Haqorat dilni og'ritmas,***
***Tubanlik mangu ketmasmi?***
***Kishanlar parchalanmasmi,***
***Qilichlar endi sinmasmi?***
***Tiriksan, o'lmagansan,***
***Sen-da odam, sen-da insonsan;***
***Kishan kiyma, bo'yin egma,***
***Ki, sen ham hur tug'ilg'onsan!..***

"Qatag'on qurbonlari" deganida odatda yuqoridagi manzara ko'z oldimda gavdalanadi. Bir qadar ulug'vor, bir qadar mahzun. Millatning asl o'g'lonlari mangu orom topgan o'sha makon bugun "Shahidlar xotirasi" yodgorlik majmui deb nomlanib,tabarruk qadamjoga aylantirilgan. U 2000-yilda poytaxtimizning Yunusobod tumanida barpo etilgan edi.

2001-yilning 1-mayida Prezidentning "Qatag'on qurbonlarini yod etish kunini belgilash to'g'risida"gi farmoni qabul qilinib, "Shahidlar xotirasi" yodgorlik majmuida "Qatag'on qurbonlari xotirasi" muzeyi qurildi. Muassasaning tantanali ochilish marosimi 2002-yilning 31-avgust kuni mamlakatimizda ilk bor nishonlangan Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni doirasida bo'lib o'tdi.

Yurt ravnaqi, millat rivojiga ulkan hissa qo'shgan buyuk ma'rifatparvar ajdodlarimizning porloq xotirasi hamisha barhayotdir. Tarixga nazar tashlab, Vatan saodati uchun jonini fido qilgan insonlarni yod etish burchimiz. Shuni unutmagan avlod shaksiz yuksaladi.

## SIZ NIMA DEYSIZ?

# HALOLLIK RIZQ KELTIRADI

Ma'mura XO'JAQULOVA

Avtobusdan tushib, yo'l chetidagi o'rindiqqa cho'kdim. Uch-to'rt qadam narida turgan o'rta yoshli ayol menga yaqinlashib:

— Qizim, suvingiz bormi? — dedi.

— Yo'q. Tinchlikmi, tobingiz bo'lmayaptimi? — so'radim undan.

— Ha yuragim og'rib, yurishga holim qolmadi.

— "Tez yordam" chaqiraymi?

— Qo'yavering, sal turib o'tib ketadi. Agar imkoningiz bo'lsa, besh-o'n ming so'm berib tursangiz, uyga yetib olardim. Hamyonimni unutib qoldiribman.

— Xo'p, xolajon, mana oling.

— Rahmat, qizim. Yaxshi joylardan ato qilsin.

Notanish ayol bilan suhbatimiz yakunlandi. Men yo'limda davom etdim. Qarasam, haligi xola shartta o'rnidan turdi-yu, yana bir yo'lovchini to'xtatib, pul so'radi.

Juda ranjidim. Ishga kelib, bo'lgan voqeani hamkasblarimga aytib berdim. Qizig'i, ular ham bunday holatga duch kelgan ekan. Aytishlaricha, ko'cha-ko'yda o'zini bechoraga soluvchi "ishbilarmon"lar ancha ko'payib ketgan.

Sababini ishsizlikka yo'yishingiz mumkin. Ammo harakat qilgan inson halol mehnat evaziga qora qozonini qaynatadi. Axir, qimirlagan qir oshar, degan gap bor.

Maktab yillari yodimga tushadi. Bir opa bor edi. Har kuni katta tanaffus paytida issiq perashka va bulochka pishirib kelardi. Talashib olardik. Ularni sotib bo'lgach, qaytishda ertangi kun uchun bozor-o'char qilib ketardi. Endi o'ylab qarasam, o'sha opa qiyin bo'lsa-da, o'zi harakat qilib, pul topgan. To'rt muchasi sog' bo'laturib, tilanchilik qilib yurish uyat, menimcha.

Boqibeg'amlik hech qachon yaxshilikka olib kelmagan. Boqimanda odamlarga vaqtida tanbeh berib, insofga chaqirsak, noxush vaziyatlarning oldini olgan bo'lardik.

## HIKMAT

**Inson o'zi yurib kelayotgan yo'lni buyuk eta oladi, yo'l esa, insonni buyuk eta olmaydi.**

Konfutsiy

## PSIXOLOG MASLAHATI

**— To'rt va olti yashar farzandim bor. Ikkalasi ham mendan ko'ra qaynonamni yaxshi ko'radi. Xuddi mendan yuz o'girib, buvisiga yon bosayotgandek. Bundan biroz xavotirdaman. Nima qilsam bo'ladi?**

**Yulduz NABIYEVA**
Olot tumani



**Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:**

— O'zbek oilalarida farzand tarbiyasida nafaqat ota-ona, balki bobo-buvilar ham ishtirok etadi. O'zimizga xosligimiz ham shunda. Demak, bolalaringiz buvisiga mehr qo'yganidan faqat quvonish kerak.

Bordi-yu, o'sha mehr sizga haddan ziyod ko'pdek tuyulayotgan bo'lsa, xatti-harakatingizni taftish qilib ko'ring. Ehtimol, bolangizga yetarlicha vaqt ajratmayotgandirsiz. Yoki hadeb tanbeh berib, holi joniga qo'ymassiz. Xullas, muammo o'zingizda.

Shunda ham xavotirga o'rin yo'q, deb hisoblayman. Sababi bobo-buvilar bilan yashaydigan bolalar tengdoshlariga qaraganda dunyoqarashi keng, mulohazali, o'ziga ishonchi mustahkam, odob-axloqli bo'lib voyaga yetadi.

## MUTAXASSIS OGOH ETADI

# TILSIZ YOV HAYOTINGGA BO'LMASIN G'OV

A.MAYMATOV,
Mirzo Ulug'bek tumani 6-XUOXK boshlig'i

**Olov insoniyatning eng buyuk kashfiyotlaridan biridir. U kundalik hojatimizni chiqaradi. Biroq olovdan ehtiyotsizlik bilan foydalanish ayanchli oqibatlarga olib keladi. Shu bois ijtimoiy hayotda yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya etish talab qilinadi.**

Mamlakatimizda mazkur sohada izchil va amaliy chora-tadbirlar ko'rilmoqda. Yong'in sodir bo'lgan ob'ektlarda tezkor o'chirish va qutqaruv ishlarini olib borish, fuqarolar hamda tashkilotlarning moddiy-tovar boyliklarini saqlab qolishga jiddiy e'tibor qaratilayotir. Bunda yong'in xavfsizligi xizmati xodimlari tomonidan joylarda aholi o'rtasida olib borilayotgan targ'ibot tadbirlari ijobiy samara bermoqda.

Eslatish joizki, tilsiz yovga qarshi kurashish faqat yong'in xavfsizligi xizmati xodimlarining vazifasi emas. Mazkur masalada har bir fuqaroning xayrixohligi muhim ahamiyat kasb etadi. Avvalo, gaz va elektr jihozlarni soz holda tutib, qo'lbola vositalardan ehtiyot bo'lishimiz darkor. Zero, ogohlik hayotimizni asraguvchi tumordir.

# "O`ZBEKISTONIM" bilimdonlik mashqlari

**MUAMMONOMA.**

**Kalit so`zlar:** 1. Respublikamizning oliy darajadagi unvoni — O`zbekiston Qahramoni nomiga sazovor bo`lgan shaxsga taqdim etiladigan medal — **17, 4, 6, 9, 1, 13, 8, 4, 2, 8, 20.**

**2.** Vatanimiz fuqarolariga mardlik ko`rsatgani uchun beriladigan medal — **16, 7, 14, 17, 10, 7, 6.**

**3.** Davlatning mudofaa qobiliyati hamda xavfsizligini mustahkamlashdagi xizmatlari uchun taqdim etiladigan medal — **14, 17, 2, 9, 15, 19, 9, 20, 5, 7, 6, 4, 7, 10, 9, 8, 21, 8, 1.**

**4.** Yuksak darajadagi tasviriy va amaliy san'at asarlari uchun sazovor bo`linadigan mukofot — **11, 7, 5, 17, 4, 9, 2, 2, 9, 1, 12, 3, 22, 20, 17, 2.**

**5.** Davlatimiz ramzlaridan biri — **18, 3, 10, 12.**

**6.** Insonlarga yaxshilik baxsh etuvchi faoliyat — **3, 30, 18, 8, 4, 9, 11.**

**Endi shakl atrofidagi raqamlarni kalit so`zlaridagi harflar bilan almashtirish orqali muammonomani yeching. Bunda O`zbekiston Respublikasida ta`sis etilgan beshta orden nomini bilib olasiz.**

**KROSSVORD.**

**Diagonallar bo`yicha:**

1. Iste'dod sohiblari sazovor bo`ladigan mukofot. 2. Vatanimizda yetishtiriladigan sitrus meva. 3. So`nggi yillarda ijodi keng o`rganilib, nomi abadiylashtirilayotgan to`raqo`rg`onlik ma'rifatparvar, tilshunos olim, shoir. 4. Chirchiqlik ilg`or transport mutaxassisi, O`zbekiston Qahramoni. 5. O`zbekiston hududi joylashgan pasttekislik. 6. Ma'muriy-hududiy bo`linma. 7. Yozuvchi Tog`ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" romani qahramoni. 8. O`zbekistonda Prezident tomonidan tuzilib, rahbarlik qilinadigan ijro etuvchi hokimiyat idorasi. 9. Vatanimizda ishlab chiqariladigan qattiq metall. 10. Eng yuksak darajani ifodalovchi tushuncha. 11. Ekin unumi. 12. Teatr binosining tomosha zali qismi. 13. O`zbek xalq kuyi. 14. Nufuzi oshib borayotgan milliy sportimiz. 15. Sug`urta tashkilotlaridan biri. 16. Eng aziz diyor. 17. An'anaviy "Sharq taronalari" musiqa festivali o`tkazilayotgan tarixiy shahar. 18. Oqsaroy me'moriy obidasi bunyod etilgan, 2002-yilda YUNESKOning jahon madaniy merosi ro`yxatiga kiritilgan maskan. 19. O`zbekistonda ishlab chiqariladigan avtomobil rusumi. 20. Har jihatdan mustaqil, ozod, hur. 21. Yurtimizda amal qilayotgan iqtisodiyot shakli. 22. Toshkent viloyatidagi tog` bag`rida joylashgan dam olish maskani. 23. Savdo obyekti. 24. Chorvachilik mahsuloti. 25. O`zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov tomonidan Vatanimiz mustaqilligi e'lon qilingan hafta kuni. 26. Har jihatdan to`kislik, mukammallik. 27. Ona vatan posboni. 28. Orzu, istak.




**Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.**

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizayner
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi
Boboravshan G'oziddinov

"YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
t belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Gazeta materiallarni tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G- 836
Adadi — 12073

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 01.35
O'zA yakuni — 01.25

Ofset usulida bosilgan.
1 2 3 4 5